



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

# Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal  
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 1 / 2021

2  
BIZ  
2000 - 2020  
YOSH DAMIZ!

## Ушбу сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Сидқий Хондайлиқийнинг хаттотлик ва муҳрканлик фаолияти.....	3
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> “Лубобул Калом” асарида Аллоҳга жиҳат ва маконни нисбат бериш масаласи.....	4

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Ҳакима САЛОМОВА.</b> Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий.....	7
<b>Жамолиддин ЖҮРАЕВ.</b> Алишер Навоий асарларида қўлланилган поэтик деталлар.....	9
<b>Замирахон ИСАҚОВА.</b> Ориф, ирфон ва маърифат муштараклиги.....	10
<b>Суннатилло РАХМОНОВ.</b> Нақшбандия ва Мавлавия тариқатлари: умумийлик ва хусусийлик.....	13
<b>Машраб ХИДИРОВ.</b> Тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий асарларининг ўрни.....	16
<b>Абдувоси ҒАНИЕВ.</b> Аллома Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш Шарийанинг ҳаёти ва илмий мероси.....	18
<b>Ўзал САЛИМОВА.</b> Абдурраҳмон Самарқандийнинг «Абу Лайс ҳикматлари» асаридаги баҳс-мунозара юритиш одобининг ахлоқий жиҳатлари.....	20
<b>Малика НОРОВА.</b> Сайфиддин Бохарзий рубоийларида ахлоқий ва маънавий фазилатларнинг акс этиши...22	22
<b>Отабек БАХРИЕВ.</b> Имом Бухорий фикҳ борасида таянган далиллар.....	25
<b>Гавҳар ИСТАМОВА.</b> “Насойимул муҳаббат”да Робиаи Адавия сиймоси.....	27
<b>Ойбек РАШИДОВ.</b> Большевикларнинг Ўзбекистондаги таълим тизими ва мамлакатимиз зиёлиларига қарши мафкуравий кураши.....	29
<b>Баҳодиржон АЗАМОВ.</b> Қуръон, ҳадис ва ҳикматлардаги масалларни бадиий услубда баён қилган мўътабар манба.....	32
<b>Зарина ҲИММАТОВА.</b> Сўфи Оллоҳёр асарларида устознинг улуғлиги ҳақида.....	34
<b>Абдувоҳид НУРИДДИНОВ.</b> Бобур ва Махдуми Аъзам.....	36
<b>Зафар ФАХРИДДИНОВ.</b> Ҳақим Термизийнинг “Таҳсил назоирил Қуръон” асари борасидаги замонавий тадқиқотлар.....	38

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Усмонхон МУҲАММАДИЕВ.</b> “Таъвилотул Қуръон” қўлёзмалари ва уларнинг тадқиқ этилиши.....	41
<b>Сарвар САИДОВ.</b> Ибн Муқаффа асарларида ислоҳотчилик ғоялари.....	43
<b>Абдушукуржон МУРАТОВ.</b> Умар Насафийнинг тафсир илмига оид илмий мероси ва “Тайсир фи Тафсир” асарининг юртимиз фондларида сақланаётган нусхалари.....	45
<b>Саодат ҲАМРОЕВА, Фирюза ШИРИНОВА.</b> Хожагон таълимотининг манбалар ёрдамидаги таҳлили.....	46

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Зоҳид МАДРАҲИМОВ, Фазлиддин МАМАСИДИҚОВ.</b> Қўқон хонлигида савдо муносабатлари.....	48
<b>Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ.</b> Мамлакатимизда дастлабки мадрасалар вужудга келишининг шарт-шароитлари...51	51
<b>Зухра АРИПОВА.</b> Мамлукларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги: Султон Зоҳир Бейбарс даври (1260-1277).....	53
<b>Зилола САФАРОВА.</b> Тинчлик бебаҳо, хотира муқаддас.....	56
<b>Сайёра ТУРАЕВА.</b> Бухоро хонлигида тоғ-кон ишлари тарихи.....	58
<b>Ойбек ҚЛИЧЕВ.</b> Дипломатик муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси.....	60
<b>Алишер ИСМАИЛОВ.</b> IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан юксалишининг асосий хусусиятлари.....	63
<b>Bobir ИМАМОВ.</b> Historical stages of diplomatic relations between Uzbekistan and Turkey (1991-2019 years)...65	65
<b>Л.Т. ХАСАНОВА, Т.Р. ЭРНАЗАРОВ.</b> Культурное наследие Узбекистана – на золотых страницах истории.....	68
<b>Хушнудбек МАМАДАЛИЕВ.</b> Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари).....	69
<b>Хуршида АШУРОВА.</b> Особенности социально-политических идей джадидов Самарканда.....	71
<b>Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ.</b> Самарқанд зиёрат туризмининг ривожланишида табаррук қадамжоларнинг ўрни...73	73
<b>Ўктам БЕРДИЕВ.</b> Тарих фани предмети, тарих фанларининг туркумланиши ва тарихий билишда фанлараро алоқадорликлар.....	75
<b>Umidjon ВАҚОУЕВ.</b> Buxoro amirining Shirbudun saroyi.....	78

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Умиджон ҚЎШАЕВ.</b> Диний тоқатлилик ва бағрикенглик: Уйғунлик ва ўзига хослик.....	80
82..... نصرالدين بن محمد بيكوف. حكم الإسلام في إجارة الأرحام	

<b>Маъмуржон ЭРКАЕВ.</b> Ислом ҳуқуқида ижаранинг мазмун моҳияти.....	85
<b>Санжар МУРОДОВ.</b> Футувват – гўзал ахлоқ тимсоли.....	87
<b>Марғуба ҚУРБОНОВА.</b> Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асарида тарбия масалалари.....	88
<b>Исмаил ХАУТИЕВ.</b> Передача награды за благие дела усопшим.....	90
91.....	حكم العمليات الجراحية التجميلية للوجه في الإسلام
<b>Муҳиддин АЛЛАНАЗАРОВ.</b> Таботабойнинг ислом тафаккури тарихидаги ўрни.....	93

### МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

<b>Ақтамкул САМАДОВ, Отабек МАҲАММАТОВ.</b> Глобал медиаоламнинг ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигига таъсирини баҳолаш.....	95
<b>Моҳира АБДУЛЛАЕВА.</b> Интернетда терроризмнинг намоён бўлиш шакллари.....	97

### ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

<b>Соҳиба ЯЗДОНОВА, Жанибек ТАНИҚУЛОВ.</b> Жамоатчилик фикрини шакллантиришда педагогик-дидактик усулларнинг роли.....	99
<b>Фотима ПРИМОВА.</b> Маданиятли инсонни тарбиялаш – муҳим маънавий-маърифий вазифа.....	100
<b>Ойбек СИРОЖОВ.</b> Глобаллашув шароитида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик зарурияти.....	102
<b>Фаррух УСМОНОВ.</b> Фан этикасида олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти.....	104
<b>Жавлон ҚУЧҚОРОВ.</b> Тарихни диалектик маданий тушуниш миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг методологик асоси сифатида.....	105
<b>Моҳира МИРЗАЕВА.</b> Буюк Ипак йўлининг Шарқ ва Ғарб ижтимоий-маданий, диний алоқалари интеграциялашувидаги аҳамияти.....	108
<b>Фарҳоджон БОЙМАТОВ.</b> Туризмнинг миллатлараро ижтимоий коммуникация жараёнида тутган ўрни.....	110
<b>Азиза ЭГАМБЕРДИЕВА.</b> Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши.....	112
<b>Ақбар САФАРОВ.</b> Миллий тараққиётимиз ва янгиланишларнинг концептуал асоси.....	114
<b>Жонибек БОЙСУНОВ.</b> Маънавий маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.....	114
<b>Нурмуҳаммад ҚАРШИЕВ.</b> Сиёсий партияларнинг демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим сиёсий институт сифатидаги аҳамияти.....	118
<b>Хонзода МАДАЛИЕВА.</b> Муқаддаслик категорияси ва унинг тарихий-ретроспектив ривожини.....	121
<b>Элёр АЛИМКУЛОВ.</b> Ўзбекистон ҳудудида илк мозий эътиқодлар билан боғлиқ диний-мистик рамзлар (диний эътиқодлар узвийлиги ва дуализм кўринишлари мисолида).....	123

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

<b>Бахтиёр ТУРАЕВ.</b> Вақтнинг онтологик моҳияти ҳақида икки мақола.....	125
<b>Комил ҲАЙДАРОВ.</b> Нақшбандийлик фалсафасининг маънавий қадриятлар тақомилига таъсири.....	127
<b>Сойибназар КАРИМОВ.</b> Кубровийлик тариқатининг фалсафий асослари.....	129
<b>Ҳакимбек ЁРҚУЛОВ.</b> Абу Ҳомид Ғаззолийнинг гносеологик қарашлари.....	132
<b>Феруза БОЗАРОВА.</b> Иммануил Кант трансцендентал эстетикаси.....	134
<b>Ш.А. НАМАЗОВА.</b> Социально-философские аспекты узбекской музыкальной культуры в эпоху Третьего Ренессанса.....	137
<b>Сарвар АБДУЛЛАЕВ.</b> Инсон эркинлиги категорияси ва унинг асослари ва кафолатлари (ҳуқуқий, фалсафий ва диний қарашлар уйғунлиги).....	138
<b>Махсуд ТОШБОБОЕВ.</b> Сунъий интеллектнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: тадқиқий йўналишлар таснифи.....	141
<b>Умида НУРМАТОВА.</b> Мутолаа – билиш предмети сифатида.....	142
<b>Нафиса ЭГАМБЕРДИЕВА.</b> Алишер Навоийнинг эстетик меросида миллий ғоя масалаларининг фалсафий таҳлили.....	144

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

<b>Сардорбек МИРЗАХАЛОВ.</b> Ёшларни иш билан таъминлашда тадбиркорлик фаолиятининг ўрни (Фарғона вилояти мисолида).....	147
--	-----

### ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

<b>Д.И. ВАСИЕВА.</b> Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.....	149
---	-----

носини билдиради.

Лаълинг ул ўтки, кўнгул мижмар анга,  
Ё кўнгул дуржу лабинг гавҳар анга [5: 11].

Байтдаги *مجمّر* “мижмар” – “жаммара” феълидан олинган бўлиб, ёниб турган кўмир чўғида қовуриш маъносини билдиради. “Мижмар” – манқал, манқалдон, қўра, тутатқи солинадиган идиш, исирикдон каби маъноларни билдиради.

Оразинг хуснин фузун қилған ҳилолий қош эрур,  
Ёхуд ул ой шамъини ёрутқали минқош эрур [4:120].

Бу байтдаги *منقاش* “минқош” – “нақаша” ўймакорлик усули билан нақш солмоқ феълидан олинган бўлиб, “минқош” эса наққошнинг кескичи, кесиш (йўниш) асбоби; ҳайкалтарош қалами; тош болта, тош пичоқ каби иш қуроли маъноларни билдиради.

Бўлди чу мистар хатиға туз рақам,  
Бошини олмас рақамдин қалам [6: 180].

Ушбу байтдаги *مسطر* “мистар” – “сатара” феълидан олинган, сатр, чизик чизмоқ феълидан олинган, байтдаги “мистар” – чизғич маъносида.

Жилваи хусн ўлғали зоҳир анга,  
Бўлди бу миръот мазоҳир анга [6:15].

Байтдаги *مرات* “миръот” – “роъа” кўрмоқ, сезмоқ, пайқамоқ, феълидан олинган, “миръот” – ойна, кўзгу; софлик, тозалик, кўнгил каби мажозий маъноларни ҳам ифодалайди.

Камоли қудратингдин хирад ул навъ бўлуб лол,  
Ки ҳайратдин ҳамиша қилиб исбаъни мисвок [2: 278].

Байтдаги *مِسْوَاك* “Мисвок” – “сака” (савк) тозалаш, артиш феълидан олинган. Байтдаги мисвок тиш тозалайдиган (бўйи бир қарич, йўғонлиги бармоқча, пўстлоқли ёғоч) асбоб маъносида.

Икки бармоққи тутар сиймни микроз киби,  
Фақр торин доғи қатъ этгучидур ул микроз [2: 237].

Байтдаги *مِقْرَاض* “миқроз” – “қороза” кесмоқ, ўткирламоқ, чархламоқ маъноларини англатувчи феълдан олинган, микроз бу ерда қайчи маъносида келган.

Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,  
“Хамса” дема, балки дегил панж ганж [6:41].

Бу байтдаги *مِيزَان* “мизон” – “вазана” тарозида ўлчамоқ, таққосламоқ феълидан олинган, мизон эса тарози маъносини ифодалайди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: 2008
2. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 2-жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Т.: 1987.
3. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. –Т.: Фан, 1988.
4. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 4-том Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. –Т.: Фан, 1989.
5. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 6-том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. –Т.: Фан, 1990.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоий асарларида қўлланилган иш қуроллари номларига оид арабча сўзлар таҳлил қилинган. Улардан шоир асарлари бадиий бўёқдорлигини ошириш билан бирга, турли хил луғавий ва услубий-семантик функцияларни бажартириш орқали фойдаланган. **Таянч сўзлар:** болға, эгов, пичоқ, қалам, сатр, қайчи, тарози, миллий, чироқ, сўз, шахс.

♦ **Annotation:** In this article the Arabic words are analyzed which are used in the named works of Alisher Navoi. From them it can be seen that various lexical and stylistic-semantic functions were performed in connection with the poet's artistic intention. **Key words:** hammer, knife, handle, fishing line, scissors, scales, national, lamp, word, personality.

♦ **Аннотация:** В этой статье рассматриваются арабские слова, названия инструментов, которых использовал Алишер Навои в своих произведениях. Из них можно увидеть как использовал поэт художественных целях разные слова в их методико-семантической функции. **Ключевые слова:** молоток, нож, ручка, леска, ножницы, весы, национальный, светильник, слово, личность.

## ОРИФ, ИРФОН ВА МАЪРИФАТ МУШТАРАКЛИГИ

ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА

Наманган давлат университети  
доценти, фалсафа фанлари номзоди

Тасаввуф таълимотида ориф, ирфон ва маърифат ҳақидаги қарашлар идрок, билим, ахлоқ, қалб, ҳикмат орқали ифода-ланган. Илоҳий маърифат соҳиби бўлган ориф истеъдодини ишга солиши натижасида маърифат, зийраклик, латофат, зарофат, фаросат, гўзал ахлоқ каби фазилатларга эришган. Ориф ахлоқи камолотга етганда илоҳий нур хафиф ва яширин ҳолда порлаб, “вусул” (илоҳий боғланиш) вужудга келган. Бу мақомда ориф ҳар бир яратилган нарсада Ҳақни кўра бошлайди.

Хазина калидин бу бир келтуруб,  
Яна қалъа мифтоҳин ул топшуруб [8: 177].

Байтдаги *مِفْتَاح* “мифтоҳ” – “фатаҳа” очмоқ феълидан олинган, “мифтоҳ” эса калит маъносини билдиради.

Мунингдек тийр ила ҳар бодбони,  
Сирехри атласу миҳвар нишони [7: 169].

Байтдаги *مِحْوَار* “миҳвар” – айланадиган нарсаларнинг ўқи, ер ўқи, ғилдирак ўқи, ўзак, мағиз каби маъноларни билдиради. Кет фараҳким, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума Юз туман мисмор бирла устувор этти фироқ [3: 209].

Байтдаги *مِسمَر* “мисмор” – “самора” миҳламоқ, қоқмоқ феълидан олинган, миҳ, қоқиқ, пона каби иш қуроллари маъносини ифодалайди.

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,  
Минг бўлур бир дирамга бир мисқол [9: 6].

Байтдаги *مِسْقَال* “мисқол” – “сақала” оғир бўлмоқ, юк бўлиб тушмоқ феълидан олинган, оғирлик ўлчови (тахминан 4, 68гр) тарози тоши маъносини билдиради.

Бир кун қаламни миҳбардин чиқардим [10: 121].

Жумладаги *مِخْبَرَة* “миҳбара” – хибрун сиёҳ сўзидан олинган, бу ерда сиёҳдон маъносини ифодалайди.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кўнглум наво,  
Ўйиё жон риштасиға тегди мизроби анинг [4: 211].

Байтдаги *مِزْرَاب* “мизроб” – “зараба” урмоқ феълидан олинган бўлиб, камонча, камон; мусиқа чолғуси камончаси; чалғи (юнг титадиган камалаксимон асбоб) маъносини билдиради.

Юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумкинки, Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номларига оид сўзлар кўп қўлланган бўлиб, улар шоирнинг бадиий нияти билан боғлиқ ҳолда турли хил луғавий-маъновий ва услубий-семантик функцияларни бажарган. Бадиий контекст доирасида қўлланган ҳар бир иш қуроли номлари муайян семантик функцияни адо этувчи поэтик деталь ҳисобланади.

Улуеса шуки, буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида иш қуроллари номлари туркий, форсий тиллар билан бирга арабча мифъал қолипида ҳам ҳосил қилинган. Бундай сўзларнинг қўлланиши шоир асарлари бадиияти, бўёқдорлигини янада оширган ва ўқувчи учун қизиқарли бўлишини мукамал таъминлаган.

6. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 7-том. Ҳайратул-аброр. –Т.: Фан, 1991.
7. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Фарход ва Ширин. –Т.: Фан, 1992.
8. Алишер Навоий. Йигирма томлик. 11-том. Садди Искандарий. –Т.: Фан, 1993.
9. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Ўн олтинчи жилд. Муҳокамат ул-луғатайн. –Т.: 2000.
10. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат –Т.: Фан, 1992.
11. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997.

Орифнинг барча ҳаракати Аллоҳ йўлида, Аллоҳ учун, Аллоҳ розилиги учун бўлиб, маърифат – “қадар илми”, яъни Аллоҳ азалиятда тақдир этган илм ҳисобланади. Маърифат аҳли ҳеч қачон Аллоҳнинг тақдир этганидан бошқасига гувоҳлик бермаган. Орифнинг маърифат борасидаги сўзи маърифати даражасидадир. Аллоҳ омма учун илм (шариат ва дунёвий илмлар)ни, валий зотлар учун маърифат (қалб илми) ни хос қилганки, ақлий (рационал) маърифат оммага хос (ақл инсон зотига берилган олий неъмат) бўлса, назарий маърифат шариат аҳлига хос, шухудий маърифат мушоҳада, кашф, илҳом орқали намоен бўлиб, унга танланган кишилар (валий, ориф, пир-муршид) етишади [1: 97].

Маърифатнинг илк мақоми орифга нафсида (руҳида) “яқийн” (иймон) берилиши ва у билан тана аъзоларини тартибга солиб, улар орқали дунё эҳтиёжларини қондиришда таваккул қилиши, қалбда уни охиратда нажотга элтувчи ҳайрат ҳосил бўлиши [2: 128] билан намоен бўлади.

“Маърифат Аллоҳнинг ваҳдонияти (бирлиги) билан қалбнинг қарор топишидир” [3:129]. Аллоҳ маърифатини эгаллаш (орифлик)нинг даражаси чегарасиздир. Чунки, Аллоҳнинг улуғлигини ақл билан англамоқ имконсиз. Маърифат денгизи тубсиз ва ундаги ғаввослар (орифлар) қувватлари даражасида азалда Аллоҳ тақдир этган манзилгача шўнғийдилар [4: 62]. Илоҳий маърифат йўли чегара билмайди ва илоҳий манзил сари интилган Ҳақ йўлчиларининг мақомлари ҳам ҳадсиз, ҳудудсиз [5:171] бўлиб, “қалб ва ишқ ўртасида шундай маърифат мавжудки, абадийлик тугаса ҳам у тугамас. Ориф борлигидаги муҳаббатдан ҳеч ким огоҳ бўлмас” [3:136].

Маърифат орқали нарса-ҳодисаларнинг яширин (сирли) моҳияти, илоҳийлиги англашилган, яъни илм ўқиш, ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг хос кишиларига марҳамати, инъомидир. “Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам танийди” [6: 156]. Инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини ўрганса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюклигини англайди, шу билан бирга ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча сезиб идрок этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканига ишонч ҳосил қилади. Зеро, “Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида беҳисоб ҳикматлар ва сир-асрорлар бордир” [4: 148]. Маърифат Ҳақни таниш илмидир, чунки Аллоҳ “Ўз илми билан барча нарсани қамраб олгандир” [7: 318].

Аллоҳ маърифатига ирфон соҳиблари (орифлар) эришадди, ўзларининг икки дунёда қай мақомда эканиликларини, икки дунё фарқини билишади [2: 118].

Аллоҳни кашф ва мушоҳада қилиш йўли билан англаш орифнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, “маърифатни илҳом ва ҳол орқали қўлга киритган” [8: 384]. Орифнинг мақсад ва маслаги, камолот мартабасини тайфурия сўфийлик мактаби асосчиси, “Султонул орифин” Боязид Бистомий (ваф. 874 й.)нинг “ориф Ҳақдан бошқани кўрмас, ундан бошқа зотни мувафақат (мувофиқлик) айламас, ўз сирини Аллоҳдан ўзгага сўзламас” [9: 39.] деган сўзининг моҳиятидан англаса бўлади.

Маърифат, илм, ориф ва олим, “қол” ва “ҳол” илми ўзаро уйғун бўлиб, инсон хаёлотини ва тафаккурининг икки – “фоний” ва “боқий” дунё тушунчаларини бирлаштиради: “ориф Тенгридан Тенгрига боқар ва олим далилдан. Ва соҳиби важд далилдан мустағний дурур” [3: 98]. Бундан кўринадики, ориф Аллоҳга таяниб, ўзи англаган Аллоҳ ҳақиқати асосида фикр юритади ва ҳеч бир далилга эҳтиёж сезмайди. Олим эса ҳар қандай воқеа-ҳодисани шарҳлашда далил ва исботга асосланади.

Ориф илҳом (Аллоҳ томонидан берилган завқ-шавқ, илоҳий билим, ҳикмат, кашф-каромат) орқали ғайбни билади: “ва Аллоҳ одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди” [2: 6] ояти ишорат этган азалий билим бўлиб, руҳлар “илми ладуний”ни (маърифат, кашф, илҳом) ҳануз ўрганиш иштиёқида бўлса-да, бу илм баъзан вужуд ва борлиқ зулмати билан ўралган бўлади. Ориф вужуддан йироқлашиб ғойибликда покланганда “ладуний илм” (ҳикмат илми) дан бахраманд бўлган: “Ориф тобе ва итоаткор, шарафли руҳлардан билим олган, бу ҳолат у дунёни тарк этгуни қадар давом этади” [3: 262].

Ориф эгаллаган маърифат шариат илмларини ўз ичига олади ва унга таянади. Бироқ ориф яна жаҳд қилиб, бу илмни тўлдирди, уни илоҳий кашф билан ривожлантиради: “то басират кўзи кашф нури била мунфатих бўлмағай, аларнинг идрок мутаъзирдур” [3: 294], яъни маърифат қалб кўзи билан англамагунча, моҳиятга етиш мушкул.

Маърифатнинг том маъноси Аллоҳни топмасдан аввал уни излаш, гуноҳ иш қасд қилиб турганда Аллоҳнинг жалолини зикр қилиб, гуноҳ қилишдан уялиб, Аллоҳга жафо қилмасликда англашилади: Аллоҳни билмоқлик, Аллоҳнинг маърифат ҳосил қилишидан махфийроқ ва нозикроқ. Аллоҳни ҳақиқий таниш танувчининг ўзидан воз кечмоқлигидир [2: 56].

“Маърифатнинг ибтидоси (бошланиши) ёлғиз Аллоҳ билан бўлиш учун нафсни поклаш” [3: 46] бўлса, “маърифатнинг чегараси нафс ва унинг истак-хоҳишидан холи бўлишидир” [3: 80]. Қалб тириклиги нафсни ўлдириш билан амалга ошади [3: 134].

Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг тутуми ўзгаргач, аъзоларининг амаллари ҳам ўзгаради, яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади [4: 189]. Маърифат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан батамом озод бўлган ва Аллоҳга юзланган инсонларга насиб этадики, “қалби соғлом ва мусулмонларга хайрихоҳ бўлган кишилар одамларнинг яхшироғидир” [3: 95].

Илоҳий маърифатга эришиш учун қалбни “тасфия” (ёмон ахлоқ ва ҳис-туйғулардан тозалаш) ва “тазкия” (гўзал ахлоқ ва ҳис-туйғулар билан безаш) қилиш лозим, чунки маънавий юксалмаган ҳамда жаҳолат ва разолатдан тозаланмаган қалбда маърифат юзага келмайди: “чин ихлос ва мушоҳада билан ботинини тузатган кишини Аллоҳ мужоҳада ва суннатга тобе қилиш билан зоҳирини ҳам гўзал қилади” [3: 45].

“Лисонул вақт” ва “вақт имоми” Шайх Абу Али Даққоқ (ваф. 1014 й.) маърифатни қалб орқали англашга даъват этган: “расмий маърифат худди ёзги ёмғирга ўхшайди, на беморга шифо беради, на чанқоқни қондиради” [3: 68].

Қалб етти қисмдир ва ҳар қайси қисм маърифат даражалари ифодасидир: “қисмат” (қалб пардаси) шайтон васвасаси ва куфр ишлардан қалбни асраган бўлса, “қалб” (инсон танасининг чап томонида жойлашган юракнинг ўзи) унинг йомонидир. “Шиқоқ” халққа меҳр-шафқат бўлса, “фуъод” (юрак) англаган вақтдир. “Хуббатул қалб” Аллоҳга муҳаббат асоси бўлса, “сувайдо” – илоҳий сирнинг ориф зотларга англагани, “муҳжатул қалб” Аллоҳ сифатларидир [10: 90].

Тасаввуфда “қалб” концепциясини илгари сурган ва сўфийни қалб воситасида ўзлигини англашга даъват этган мутасаввиф, термизлик Ҳаким Термизий (ваф. 908 й.) дейди: “Маърифат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза бўлган, бутун фикри-зикри билан Аллоҳга таважжуҳ қилган инсонларга насиб этади” [11: 36].

Ҳаким Термизий “Баянул фарқ” асарида қалбнинг “ас-садр”, “ал-қалб”, “ал-фуъод”, “ал-лубб” мақомларини мухтасар баён этиб, унинг тўрт қисмдан иборатлиги, ҳар бир қисм Аллоҳ нурлари билан боғлангани, яъни “ас-садр” – ислом нури, “ал-қалб” – иймон нури, “ал-фуъод” – маърифат нури, “ал-лубб” – тавҳид нури эканини таъкидлаган. Ҳаким Термизий қалб мақомларини тариқат манзиллари, шунингдек, нафснинг “нафси аммора” (ёмонликка буюрувчи нафс, ширк, куфр, жаҳл, ғафлат, гуноҳи кабира, кибр, ҳирс, бахиллик, шаҳват, ғазаб, ҳасад, адоват), “нафси лаввома” (маломат, пушаймонлик, қилган гуноҳ учун ўзини койиш), “нафси мулҳима” (кўнгилни эзгулик, гўзаллик, яхшилик билан тўлдириш), “нафси мутмаъинна” (сабр, ризо, қаноат, ишонч, хотиржамлик, таваккул) ҳолатлари билан ўзаро боғлиқ эканлигини асослаган [12: 38-39].

Инсон қалби ва руҳининг камолга етиши маърифат даражаларида қуйидагича акс этади:

а) “Қалб нурланиши сабабли ундан Аллоҳнинг маърифати жой олади ва инсоний сифатлар ва ақлий ноқисликлар барҳам топади” [3: 133], яъни маърифат нурларининг порлашидан Аллоҳнинг комил инсон воситасида тажаллий

этиши, моддий оламнинг гавҳари кўнгил ва илоҳий исмлар мазҳарининг маркази эканлиги англашилган. Бу ишққа эҳтиёж сезган кўнгилнинг илк даражаси бўлиб, кўнгил ишқ орқали юксак даражаларга эришган ва камолот сари илк қадам комилларга эргашиш ва уларни севишдан бошланган.

б) Аллоҳ дўстларига яқинлашиш ва пир-муршид (шайх) билан суҳбат ишқ йўлига кирган ошиқнинг маънавий поклянишини тезлаштирган, нафсига қарши курашиб, ишқ дардида минг пора бўлган кўнгилнинг иккинчи даражасида ҳиммати баланд, Аллоҳ учун жонини фидо қилишга тайёр ошиқ намоеън бўлган.

в) Қалбнинг “фуод” даражасида ишқ ва кўнгилнинг ҳақиқий қудрати намоеън бўлган ва маърифат сирлари очилган, яъни ўзликдан кечиби, Аллоҳ васлига интилган қалб ишқ ўтида поклангач, ғайб илми хазинасига айланган. Ориф учун басират (фаросат, ҳақиқатни қалб билан ҳис қилиш) “фуъод” мақомида очилган [13: 40].

г) Қалбнинг “илми ладуний”га етишиб, илоҳий моҳиятга интилиши унинг “сувайдо” даражаси бўлиб, унда илоҳий ишқ кўнгилни батамом забт этиб, ўзга нарса, ўткинчи майда эҳтиёжлар маҳв бўлган. Форслик Шайх Абу Музоҳим Шерозий (ваф. тахм. 886 й.) маърифат бобида фасоҳат билан сўз айтганки, машоих унинг сўзидан қўрқувга тушганлар [3: 50].

д) Қалбнинг “ҳайрат” мақоми бўлган “муҳжатул қалб” даражасида руҳий-маънавий юксалган кўнгилда олам ва одамни бирлаштириб турувчи илоҳий мўъжизаларнинг туб моҳияти “чеҳрайи мақсуд” (Аллоҳ) тажаллий (жилоланиш, кўриниш, нурланиш) этган. Маърифат ҳақиқати ҳайратдирки [3: 30], ориф аслият, моҳият ва вужуд ҳақиқатини англаб, ҳайратга тушган, ғайб оламига парвоз қилган ва ваҳдат мақомига эришган.

е) Қалбнинг Аллоҳ сифатлари билан сифатланиши маърифатнинг юқори даражаси бўлиб, “вужуди Мутлақ” билан бирлашиб, илоҳий руҳга қўшилиб, фақру фанога эришилган: “фақат ўз тажрибаси ва ўз феълидан сўзловчи кишигина бу илм (маърифат) ҳақида гапириши жоиздир” [3: 91].

Хирот нақшбандийлик тариқати муршиди Абдурахмон Жомий (ваф. 1492 й.) маърифатга қуйидагича таъриф беради: “Маърифат мухтасар илмларни тафсилотлар суратида танимоқдир. Илоҳий маърифат илоҳий зот ва сифатларни аҳвол ва ҳодисалар тафсили ва нузул бўлган амрлар суратида таниш демақдир” [13: 5-6]. Бу “ваҳдатул вужуд” таълимотидан келиб чиқадиган фикр, яъни борлиқ беҳисоб шакллар, хоссалар, ранглар, ҳаракатлар, қиёслар, суратлар, ҳодисаларни ўз ичига олади. Беҳисоб шаклу шамойил борлиқ хусусиятини белгилайди ва барчаси Аллоҳ тажаллийси туфайли қойим, мавжуддир. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг ягоналиги ва Мутлақ вужуд эканини исботлайди. Парвардигор “ижмол” (мухтасар) бўлса, олам шу ижмолнинг тафсили – ёйилгани. Ориф ана шу тафсилотларнинг ҳар бирида Аллоҳ амри, тажаллийси-қудратини ҳис этиб, англаб, умумлаштириб, жамлаб, хулосалаб (“жузъ”дан “кулл”га, “тафриқа”дан “жамъ”га, оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, илмдан аслга қараб бориш), кўриб, “ҳақиқий мавжудлик ва “Мутлақ фоил” Аллоҳнинг Ўзи эканини англаб етсин” [14: 11].

Маърифат Аллоҳ зотини Унинг сифатлари, тажаллийси орқали танишдир. Маърифатга олиб борувчи билимлар “ақлий-ҳиссий”, “ҳол” ва “сиррул асрор” илми бўлиб, биринчи илм зоҳирий илмлар билан шуғулланадиганлар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган сўфий ва орифлар илми, яъни важд, завқ ҳолатида кашф этилган илмдир. Учинчи илм авлиёлик илми бўлиб, маърифат аҳли илмларни тўғридан-тўғри Аллоҳдан олган, илм шуъла, нур кўринишида қалбларга жойлашади [15: 40]. Ладуний илмдан баҳраманд бўлган ориф Ҳақ маърифатига эришади: “бесавод эди, лекин унга маърифат ва сирлар эшиги очилиб, улуғ шайхларнинг раҳбарига айланди” [3: 275].

Илоҳий маърифатга эришиш мартабалари қуйидагича:

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухаммедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе, Дониш, 1990.
2. Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 2002.

биринчидан, дунёдаги барча мавжудотларнинг Аллоҳ томонидан яратилганига иймон келтириш, ҳар бир нарсани “Мутлақ фоил”нинг асари деб билиш;

иккинчидан, Аллоҳнинг сифатларини англаш, бу сифатларнинг олам ўзгаришлари, воқеа-ҳодисалар, нарсаларда зўхур этишини англаш;

учинчидан, Аллоҳнинг мурод-мақсадини ҳар бир сифат тажаллийсида кўриб, таниш;

тўртинчидан, илоҳий илм суратини ўзининг маърифати суратида таниш, ва ўзини илм-маърифат, шунингдек, вужуддан соқит этиш, тавҳид ва фано мартабаларига эришишдир.

Ирфон аҳли кашф ва мушоҳада орқали Аллоҳни ҳақиқий маънода билиб, маърифатни илҳом ва ҳол орқали қўлга киритган [8: 384]. Маърифат ва орифликнинг мазмун-моҳияти етти водий (“талаб”, “ишқ”, “маърифат”, “истиғно” [16: 285.], “тавҳид”, “ҳайрат”, “фақру фано”) да акс этган. Маърифат водийсида оламнинг бепоёнлиги, ихтилофлар, зиддиятларга тўла эканлиги, тараққиёт ва таназзул бирга эканлиги, хилма-хил интилишлар, ниятлар, орзу-армонлар мавжудлиги ва тўқнаш келиши, доно ва нодон, улуғ ва кичик, зулмат ва нур аралаш-қуралаш эканини англайди. Минглаб йўлларни мушоҳада этди ва ўзи танлаган йўл энг тўғри, ҳақ йўл эканига иқрор бўлади [17: 401].

Маърифат Аллоҳ яратган олам қонуниятлари, ҳикмату ҳақиқатларини англаш, билиш орқали Аллоҳнинг Ўзини, Унинг куч-қудратини англаб етиш экан, ориф мана шу босқичда дунёвий илмдан илоҳий илмга қараб борган, дунё илми Аллоҳ илмининг тафсири эканини билиб, ҳайратга тушган. Шу боис ҳам халқнинг энг орифи Аллоҳнинг улуғлигида қаттиқ ҳайратланувчиси, яъни ҳайрат-таажжубланиш, ҳайрон қолиш, ўзликни унутиш ҳолига етган ориф инсон қалбини Аллоҳнинг қудрат ва ҳикмати нурини тил билан баён этишининг иложи бўлмаган туйғу қамраб олади: “орифликнинг энг биринчи даражаси аввал ҳайрат, кейин ўзини фақир деб билиш, кейин Аллоҳга боғланиш, кейин Аллоҳ зотидаги ўша биринчи ҳайрат билан Унинг феъллари, унга берилган неъматларидан ҳайратланишдир” [2: 116].

Маърифатга эришган орифнинг аломати шуки, “ориф Аллоҳни зикр этиб чарчамайди, ундан ўзга билан суҳбатдош бўлмайди” [18: 29]. Орифнинг маърифати чексиз-чегарасиз эмас. Орифнинг қалбини кўзгуга ўхшатадилар, ҳар бир ориф Аллоҳ билдирганича билади. Зеро, Аллоҳ “орифқа сиррида бир кўзгу берибдурки, ҳар қачон у кўзгуга боқса, ани кўргай” [3: 69].

Ориф “Биз ўз илмларимизни ўлмайдиган, доимо тирик зот, яъни Аллоҳдан олганмиз” [19: 27], деб Аллоҳга “қалб ва ботин билан мутаважжиҳ бўлади (юзланади)” [20: 63].

Маърифат орқали Аллоҳ ва инсон ўртасидаги пардалар кўтарилиб [3: 160], инсон “маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами” [3: 13] бўлса ҳам, “маърифат сиррига етиб бўлмайди” [21: 82].

Инсоннинг эзгу ахлоқ, соғлом эътиқод ва буюк қалб эгаси бўлиб яшаши – маъноли яшашдир. Инсон нафсини тарбиялаш билан уни маърифатга олиб чиқади ва маърифат туфайли комил инсон даражасига эришади. Маърифатнинг ҳар бир босқичида орифнинг холи ўзгариб, сурат, белги, моҳият, ўзликни англашгача бўлган даражани босиб ўтади. Хуллас, ориф илоҳий маърифатни эгаллаган, ирфон нури қалбида жўш урган, ғайб илмига мушарраф бўлган юқори мартабага эришган зотдир. Яратувчисини қалб нури билан таниганлар аҳли маърифат бўлиб, Аллоҳ ҳар кимнинг қалбида, уни таниш, сезиш учун имконият яратади, йўл кўрсатади. Ориф маърифат (ҳақиқат сирларини англаш) орқали мақсадга эришади.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги жамият маънавий баркамоллигига боғлиқ. Онг ва тафаккурдаги ўзгаришни фақат маърифат билан бойитиш мумкинки, жамият тараққиётининг асоси, жамиятни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир.

3. Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. – Т.: Фан, 2001.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Тавба. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
5. Кирабоев Н., М. Ал-Джанаби. Знание и вера в философии аль-Газали / Сравнительная философия. Знание и вера в контексте диалога культур. – М.: Восточная литература, 2008.
6. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 1. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
7. Қуръони карим маъноларининг таржимаси Тоҳа сураси, 98-оят Бақара сураси, 31-оят. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001.
8. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-маҳдҷуб ли арбаб аль-қулуб) / Пер. с английского А. Орлова. Издание первое. – М.: Единство, 2004. 384-бет.
9. Фаридиддин Аттор. Тазкиратул авлиё (Авлиёлар китоби) – Т.: ЎзМЭ, 1997.
10. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд, Сўғдиёна, 1994.
11. Уватов У. Ҳаким Термизий. – Т.: Маънавият, 2001.
12. Ҳаким Термизий. Баянул фарқ байнас садр ваал қалб вал фуъад вал-лубб / Араб тилидан Н.Абидова таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006.
13. Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот / – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
14. Абдурахмон Жомий. Нафаҳотул унс. – Т.: О.А.Порцев литографияси, 1915.
15. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1987.
16. Истиғно – етарлилик, эҳтиёжсизлик, бошқаларга муҳтож эмаслик. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
17. Алишер Навоий. Лисонут тайр. Насрий баён билан бирга. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
18. Имом Абу Абдурахмон Сулабий. Табақоти сўфийа. – Т.: Фан, 2004.
19. Хожа Убайдуллох Аҳрор. Табаррук рисоалар. – Т.: Адолат, 2004.
20. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб – Т.: Шарқ, 1999.
21. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2000.

♦ **Аннотация:** Мақолада тасаввуф таълимотининг мағзини ифода этган ориф, ирфон ва маърифат истилоҳлари Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асари ва бошқа нодир манбалар асосида фалсафий-ирфоний таҳлил қилинган. Инсон қалби ва руҳининг камолга етиши, маърифат даражалари тасниф этилиб, маърифатнинг илоҳий талқини очиб берилган. **Таянч сўзлар:** ориф, вали, ирфон, маърифат, қалб, нафс, ҳайрат, ваҳдат, қалб мақоми, маърифат даражалари, вақт, ахлоқ.

♦ **Annotation:** The article analyzes the terms arif (knowing God), irfon (Divine knowledge) and marifat (comprehension of God), which express the essence of mysticism based on Alisher Navoi’s “Nasayim ul-Muhabbat” and other valuable sources. The perfection of the soul and spirit of man is subdivided into levels of God’s, comprehension and the divine interpretation of God’s comprehension is revealed. **Key words:** enlightenment, heart, lust, miracle, unity, heart status, levels, time, morality.

♦ **Аннотация:** В статье на основе “Насайимул муҳаббат” Алишера Навои и других ценных источников анализируются термины ариф (познающий Бога), ирфон (Божественное познание) и маърифат (постижение Бога), которые выражают суть мистики. Классифицируются уровни постижения Бога, совершенства души и духа человека, также раскрывается божественная интерпретация постижения Бога. **Ключевые слова:** просветление, сердце, похоть, чудо, единство, статус сердца, уровни, время, мораль.

## НАҚШБАНДИЯ ВА МАВЛАВИЯ ТАРИҚАТЛАРИ: УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК

**СУННАТИЛЛО РАХМОНОВ**  
Самарқанд давлат чет тиллар  
институтини докторанти (PhD)

**Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаш орқали эришган. Улар бир эмас, иккита Ренессанс маърифатининг қаймоғидан баҳраманд бўлган.**

Ислом маданиятининг олтин даври деб эътироф этиладиган IX-XII асрларда Марказий Осиё худудига мавжланган илм машъаласи XV асрда Соҳибқирон Амир Темура асос солган Темурийлар салтанатида иккинчи Ренессанс даври сифатида қайта порлади.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда” [1: 1-2].

Бугунги Ўзбекистон худуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги бўлиб, X асрнинг охирида биргина Самарқанднинг ўзида 17 та мадраса фаолият юритган. Бугунги кунда Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзма ана шу мадрасаларда таҳсил олган аждодларимиздан қолган буюк мерос саналади. Самарқанд давлат университети тамал тоши ҳам Ўрта асрларда қўйилгани, яъни Мирзо Улуғбек мадрасасининг вориси эканлиги яхши маълум.

Шарқ халқлари тафаккури, маънавияти ва маърифатига чуқур таъсир ўтказган тасаввуф VIII асрнинг ўрталаридан

шакллана бошланган.

Тасаввуф инсон камолоти тўғрисидаги таълимот бўлиб, етукликка эришиш учун аввало жисм ва нафс эҳтиёжини енгиш талаб этилади. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш инсонни нафсга қул қилиб қўяди. Тасаввуф йўлини тутган киши нафсни рад этади. Нафс барча разолат ва маънавий ҳалокатларнинг сабабчиси саналиб, инсонни тубанлик ботқоғига етакловчидир. Ушбу иллатларидан фориғ бўлишнинг бирдан-бир тўғри йўли нафс эҳтиёжини енгиб ўтишдир. Бу кўнгилни поклаш, риёзат чекиш орқали амалга оширилади. Риёзат чекиш шунчаки сабр-тоқатли бўлиш эмас, балки Ҳақ йўлида ўз олдида улуғ бир мақсад қўйиб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни зиммасига олиш ва муттасил интилишдир.

Тасаввуф – бу илоҳиёт олами, инсон маънавияти, руҳияти, эҳтиёжлари ва унинг Худога муносабати ҳақидаги фалсафий таълимотдир. Шу билан бирга, тасаввуф инсон қалбига сайқал бериш илмидир.

Алишер Навоий “Кўнгил кўзгуси дунёвий истаклардан мосуво бўлгач, яъни Яратувчи ёдидан бошқа нарсалардан по-